



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

Илғор ҳаракат

ҚАТЪИЯТ ВА ЖУРЪАТ

туфайли юртимиз талаба ва ўқувчилари ҳамда уларнинг устозлари оғир меҳнатдан кутулди, куз ойларида ҳам мактаб ва олийгоҳлар фарзандларимизнинг қувноқ кулгуларига тўлди.



2024 йилнинг 1 феввали Ўзбекистон тарихинга таълим тизими ривождаги туб бурилиш даври сифатида кирди, десак адашмаймиз. Чунки шу кун Президентимиз Шавкат Мирзиёев таълим соҳасидаги ўта муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонунини имзолади. Ушбу ҳужжат мамлакат келажаги ҳақидаги чинакам ғамхўрликнинг ва таълим давлат тараққиёти стратегиясида ҳал қилувчи ўринни эгаллашининг ёрқин ифодасидир.

Яшириб не қилдик, авваллари ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва бошқа ижтимоий соҳа вакиллари ўз касбий фаолияти, ўқувчи ва талабалар ўқиш билан шуғулланмай, бутун куз фасли давомида пахта теримига жалб этилар эди. Куз бошланиши билан профессор-ўқитувчи ва талабалар ёппасига пахта теримига қувиб солинар, оғир шароитларда кеч кузга қадар даладан қайтмас эди. Устига-устак, ҳали мактабларда ўқийдиган мурғак болакайлар ҳам шу оғир юмушга жалб этилар, таълим бериш сифати, ёшларнинг соғлом бўлиб улғай-

иши масаласи ҳеч кимнинг эсига келмас эди. Юрт келажаги, шу орқали унинг хавфсизлигига раҳна солувчи бундай хатти-ҳаракат собиқ шўролар тузумининг сарқити бўлиб, 70 йилдан зиёд вақт мобайнида бунга чек қўйишга ҳеч кимнинг журъати етмади. Хайриятки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсий ташаббуси туфайли юртимиз талаба ва ўқувчилари ҳамда уларнинг устозлари оғир меҳнатдан кутулди, куз ойларида ҳам мактаб ва олийгоҳлар фарзандларимизнинг қувноқ кулгуларига тўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг сиё-

сий иродаси туфайли қисқа вақт ичида шундай муҳим натижаларга эришилди. Замонавий, ҳар томонлама тараққий этган Янги Ўзбекистонни барпо этиш замирида ана шу аниқ мақсад ва истикболли сиёсат мужассам. Бугун ҳар бир ислохот ва янгиланишдан асосий мақсад жамият фаровонлиги ва фуқаролар манфаатларига қаратилган. Жамиятнинг юксалиши, келгусида турли соҳаларда етакчилик қила оладиган шахс ва мутахассисларни камол топтириш кўп жиҳатдан устозлар ва уларнинг меҳнатига боғлиқ. Кейинги йилларда юртимизда ўқитувчилик касбининг мавқеини оширишга қаттиқ киришилди. Номи юқорида зикр этилган янги қонуннинг асосий мақсади педагогларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, улар меҳнатига адолатли ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилларини белгилашдан иборат. Мазкур ҳужжат нафақат таълим соҳасида янги қондаларни жорий этади, балки ўқитувчиларнинг янада самарали фаолият юритиши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратади.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ

XXI аср — глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш, ахборот-коммуникация технологиялари, интернет, жаҳон майдонида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бормоқда.

Бу даврда интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш нақадар долзарб эканлигини исботлашга ҳожат йўқ, албатта. Чунки, бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий усту-

вор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин. Ўзбекистонда инсон капиталига сармоя киритиш, мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган янги авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда таълим қамровини кенгайтириш, мақсадли ўқув дастурларини амалда қўллаш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини янада ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида эътибор берилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

Онажоним табиат

Сир сақланган «СТЕВИЯ»



Ўзбекистон ўсимлик дунёсига жуда бой ва ранг-барангдир. Республикаимизда олти мингдан ортиқ турли хил ўсимликлар мавжуд, улар орасида доривор ўсимликлар ҳам талайгина.

Бундай гиёҳлар экологик тоза бўлиб озик-овқат, хушбўйлик берувчи ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом-ашё сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда энг кенг тарқалган доривор ўсимликлар жумласига райхон, кашнич, арпабодиён,

ялғиз, себарга киради. Ёввойи ўсимликларни текисликлардан ва тоғлардан топиш мумкин. Бу ўсимликлардан ташқари, республикада олдин бўлмаган бошқа мамлакатлардан дориворлиги ва фойдали хусусиятлари кўп бўлганлиги учун чет элдан олиб келинган ўсимликлар бор. Бундай ўсимликлардан бири стевия ўсимлигидир.

Стевия мураккаб гуллилар оиласига мансуб, ватани Жанубий Американинг Парагвай, Бразилия давлатлари бўлиб, кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади.

(Боши 6-саҳифада)

ҚАТЪИЯТ ВА ЖУРЪАТ

(Боши 1-саҳифада)

Педагогларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини эътироф этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қонуннинг муҳим жиҳатларидандир. Унда ўқитувчиларнинг келажак авлодни шакллантиришдаги ўрни муҳимлиги эътироф этилгани, шубҳасиз, ўқитувчиларнинг жамият олдидаги обрў-эътибори ва мавқеини юксалтиришга хизмат қилади.

Сўнги йилларда ўқитувчиларнинг ойлик маошлари кўпайгани, устама тўловлар жорий этилгани, ўқув юктамалари таълим стандартларининг юқори талаблари асосида оптималлаштирилгани инкор этиб бўлмайдиган муваффақиятдир. Бу чора-тадбирлар нафақат педагоглар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, балки мамлакатимизда таълим сифатини оширишга қаратилган.

Мазкур қонун нафақат мамлакатимиз таълим тизими учун юксак талабларни белгилаб қўйгани, балки таълим соҳаси бўйича ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши билан янада аҳамиятли. Унинг

қабул қилиниши таълимни янги босқичга кўтарди, бунда ўқитувчиларнинг касбий ва меҳнат ҳуқуқлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда, мазкур қонун педагогларни нафақат қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг касбий фаолиятига аралашидан ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди. Эндиликда ўқувчиларнинг, талабаларнинг билимини тўғри баҳолашга таъсир ўтказиш, шунингдек, уларнинг ўқув жараёнига аралаштириш тақиқланади. Иш берувчилар ўқитувчиларни касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, масалан, ободонлаштириш ёки қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қила олмайди.

Энг муҳими, қонун ўқитувчиларни ҳисоботлар тузиш ва касбий мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этиш талабидан ҳимоя қилади. Қонунда ўқитувчиларни ўзларининг розилигисиз товар ва хизматлар сотиб олишга мажбурлаш, уларнинг маошидан ушбу товар ва хизматлар учун маблағларни ушлаб қолишга йўл қўй-

илмаслиги аниқ таъкидланган.

Таълимни қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ўқитувчиларни ўқув қуроллари, бошланғич ўқув материаллари ва ўқув қуроллари билан давлат ҳисобидан таъминлайди. Булар таълимнинг юқори савиясини таъминлаш, педагоглар меҳнатини энгиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлардир.

Қонунда ўқитувчиларни сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларга жалб қилиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Бироқ, бу фақат уларнинг розилиги, тузилган шартнома ва қўшимча ҳақ эвазига содир бўлади. Бу уларнинг касбий вақтини ҳурмат қилиш, муҳим жамоат ишларида онгли равишда иштирок этишининг ёрқин намунаси.

Педагогнинг меҳнат фаолиятига маъмурий мажбуриятнинг ҳар қандай шакллари, шунингдек, уларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини алоҳида таъкидлаш жуда муҳим.

Умуман, “Педагоглар мақоми тўғрисида”ги қонуннинг имзолани-



ши мамлакатимиз таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, ота-онадек мўътабар устозларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ўрни муҳимлигини эътироф этиш истагининг тасдиғидир. Мазкур қонунни, ҳеч иккиланмасдан, таълимга сармоя киритиш, етук шахсларни тайёрлаш ва чинакамга илмли инсонлар жамиятини барпо этиш орқали Ўзбекистоннинг келажакда гуллаб-яшнашига пойдевор бўладиган илғор ҳаракат, деб ҳисоблаймиз.

Мавлон БОБОХОНОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимиз ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Ҳар соҳада эришилаётган ютуқлардан қувониш, унинг тақдирини учун қайғуриш, ўз юрти билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, қадимий ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачиғидек асраш – ватанпарварликдир. Президенти Шавкат Мирзиёев “Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурагимиз” мавзусидаги маърузасида “Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқур-билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Шу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади” деб таъкидлайди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июндаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Концепциясида бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаролар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни кўймоқда.

Айнан шундай шароитда мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, шу жумладан, ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий кадрлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, “Халқ ва армия — бир тану, бир жондир!” деган эзгу ғоя асосида ёшлар тарбиясига масъул вазирлик ва идораларнинг куч ва имкониятларини бир ғоя, бир мақсад асосида бирлаштириш талаб этилмоқда. Ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шухратини дунёга



**ВАТАН — УЛУҒ,
БУРЧ — МУҚАДДАС!**

тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни, ҳаётини ва касбий кўникмаларни илм-маърифат, шунингдек, миллий кадриятлар асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали ватанпарвар, садоқатли ҳамда шижоатли ёшларни камол топтириш Концепциянинг асосий моҳиятини ташкил этади. Шунинг билан бирга ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш “Ватан — улғу, бурч — муқаддас!” концептуал ғоя остида ташкил этилиб, унда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама ривожлантириш, қатъий фикр ва эътиқодга эга шахсни шакллантириш асосий вазифа этиб белгиланиши таъкидланади.

Маълумки, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг юқори ватанпарварлик онгини, Ватанга садоқат туйғусини, Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фуқаролик бурчини ва конституциявий мажбуриятларини бажаришга тайёрлигини шакллантириш бўйича тизимли ва мақсадга мувофиқ фаолиятидир. Шунинг билан бирга ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси фуқаронинг шахсий сифатлари — ўз Ватанининг ҳимоячиси бўлган, тинчлик ва уруш даврида фуқаролик бурчларини муваффақиятли бажаришга қодир шахсни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган

Юртга садоқат

таълимий фаолиятдир.

Бинобарин, Ватан манфаатларига нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида садоқатли бўлиш, уларни ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — буларнинг барчаси бугунги кун талаби эканини ҳаётини мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ўқувчилар тафаккурига сингдириб бориш муҳимдир.

Замонавий шароитда ўқувчиларга ватанпарварлик тарбияси жуда муҳим жиҳатлардан саналади, чунки ўсмирлик даврида муқаддас ватанга муҳаббат туйғусини ривожлантириш зарурдир. Ватанпарварлик тарбияси ўқувчиларда Ватанга муҳаббатини босқичма-босқич ва изчил шакллантиришни назарда тутди. Ватанпарварлик ҳар томонлама ривожланган шахснинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Ўқувчиларда Ватан ва халқ учун фахрланиш туйғусини, улкан ютуқлари ҳамда ўтмишнинг муносиб саҳифаларини ҳурмат қилишларини ривожлантириш керак.

Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёнида маънавий кадриятлар ва анъаналар ва улар ривожланишидаги изчиллик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ҳарбий ва давлат хизмати янги, чинакам манфаатдор муносабатни шакллантиришни, Ватанни ҳимоя қилиш вазифасини муносиб бажаришга тайёрлигини таъминлашга мўлжалланган куйидаги замонавий аспектлар орқали амалга оширилади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ўқувчиларда ватанпарварликни шакллантириш, Ватанга муносиб хизмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлишликка тайёрлаш давлатнинг асосий мақсади саналади. Давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижалари мониторингини юритишни таъминлайдиган асосий институт ҳисобланади.

Зоҳид АЛИМАРДОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти

НИЯТИМИЗ УЛУҒВОР, ШАРОИТИМИЗ ДУШВОР



Мамлакатимизда таълимга эътиборнинг янада ошиб бораётганлиги, таълим сифатини ва самарадорлигини тубдан яхшилашга жиддий ёндашилаётганлиги айтилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мактаб таълимини сифат жиҳатидан янада яхшилаш борасидаги кўрсатмалари ҳар биримизнинг зиммамизга катта маъсулият юклайди. Давлат таълим муассасалари бўладими, нодавлат муассасалар бўладими, асосий эътиборни таълим сифатини кучайтиришга қаратилаётганлиги сир эмас.

Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда бу борада нодавлат таълим муассасаларида ҳам самарали ишлар олиб борилаётган. Бундан беш йил муқаддам Бекобод тумани марказида иш бошлаган “PROGRESS” ўқув маркази тезда омма назарига тушди. Фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган ушбу марказга иқтидорли, тажрибали ўқитувчилар жалб этилди ва бу марказда туман мактаблари ўқувчиларига чуқурлаштирилган ҳолда сабоқ берилди бошланди. Аста-секин ўқув марказидаги таълим ишлари ўз самарасини кўрсатди. Айнан мазкур ўқув маркази негизида нодавлат таълим муассасасига асос солинди. Зотан, марказда билимли, тажрибали ўқитувчилар жамоаси шаклланиб улгурган ва бу ҳолат хусусий мактаб очилишига туртки бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 8 сентябрдаги тегишли лицензиясига эга бўлгач, туман марказида “PROGRESS AND RESULT” нода-

влат таълим муассасасининг иш фаолиятига рухсат берилди. Албатта, дастлабки йили бирмунча қийинчиликларга дуч келдик. Яъни мактабимиз ўз ўқув биносига эга эмас эди. Аммо жамоамизнинг кучли иштиёқи ва фидойилиги туфайли аввал касб-ҳунар коллежлари фаолият юритган бинода ижара асосида ишни давом эттирдик. Айни дамда жамоамиз тўрт қаватли ўқув биносига эга бўлса-да, бундан ижара асосида фойдаланиб келяпмиз.

Ўқув муассасаси ўтган уч йиллик қисқа фурсатда ўзининг нималарга қодир эканлигини намоён этди. Мактабни тамомлаган ўқувчиларимизнинг 90 фоизи олий таълим муассасаларида таҳсил оляпти. Собик ўқувчиларимиз ҳозирда жаҳон дипломатияси, юридик фанлари, жаҳон тиллари, шарқшунослик университетларида, тиббиёт ва ислом академияларида, шунингдек, қатор педагогик олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлиги қувонарлидир. Биргина собик ўқувчимиз Аброр Каримов дастлабки ўқув йилида юз фоизлик натижа

кўрсатиб, Президент гранти соҳибига айланди ва ҳозирда юридик университетда таҳсил оляпти.

Албатта, ана шундай ютуқларни кўлга киритишимизда илғор, иқтидорли ўқитувчиларимизнинг хизмати катта. Ҳозирда ўқитувчиларимиздан Алмаҳон Абдусаматова, Адҳамжон Ниёзов, Собиржон Парпиев, Махфуза Юнусалиева, Нарғиза Элмуродова, Шахноза Абдужалилова, Дилмурод Ражабов, Сардорбек Тошбоев, Фахриддин Бойбутаев, Мўминжон Жабборов, Севинч Абдурашидова, Мухаббат Ғаниева, Нодирхон Ақобурхонлар чинданда мактабимизнинг устунлари десак, тўғрироқдир.

Дастлабки ўқув йилида иқтидорли ўқувчиларимиздан бири Райҳона Мадаминжонова она тили ва адабиёт фани бўйича фан олимпиадасининг Республика босқичида қатнашган бўлса, 40 дан зиёд ўқувчиларимиз IELTS ва CEFR сертификатларига эга бўлишди. Тарих фани бўйича бир неча ўқувчиларнинг миллий сертификатни кўлга киритишида мазкур фан ўқитувчиси Адҳамжон Ниёзовнинг хиссаси катта. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мактабимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилдаги қарорига кўра вариатив ўқув режаси асосида иш олиб борапти. Яъни мактабимиз ўқувчиларга замон талабига мувофиқ ўта чуқурлаштирилган шаклда билим бермоқда. Бунинг эса амалий натижалари кўриняпти.

Юқорида айтганимиздек, мактабимизда чинданда, интилувчан, иқтидорли устозлар анчагина. Бу борада тажрибали инглиз тили ўқитувчиси Собиржон Парпиевнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ўқитувчимиз ўзига хос ташаббус билан ишлайди. Собиржон инглиз тили бўйича ҳалқаро тоифадаги дипломга эга бўлиш учун ўз устида тинимсиз ишламоқда. Унинг нияти шу йилнинг ўзида Кембридж ёки Оксфорддаги малака ошириш курсларида таҳсил олиб қайтишдир. Қолаверса, унинг ташаббуси билан мактабда IT+IELTS ёки CEFR+SAT — хорижий математика сертификати йўналишини очиш белгилаб қўйилган. Бу йўлда биз унга фақат омад тилаймиз.

Афсуски, ана шундай муҳитда меҳнат қилаётган ўқув даргоҳимиз ўз биносига эга эмас. Мақсад ва режаларимиз эса жуда катта. Истарики, ҳозирда биз ижара асосида турган тўрт қаватли ўқув биносини ўз балансимизга ўтказиб берилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Бундан эса фақат таълим ютади. Мутасаддилар ушбу таклифимизни жиддий ўйлаб, бизга қанот бўлишса, бундай эътибор эзгу ниятда меҳнат қилаётган мактабимиз жамоасига куч ва мадад бағишлаши муқаррар.

Азизахон АҲМЕДОВА,
Бекобод туманидаги
“PROGRESS AND RESULT”
НТМ раҳбари.

Тошкентда пиёдаларга халап бераётган ноқонуний қурилма ва иншоотлар демонтаж қилинади

Тошкент шаҳар ҳокимлиги пиёдаларга халақит бераётган ноқонуний қурилма ва иншоотларни демонтаж қилиш ишлари бошланаётганини эълон қилди.

Қайд этилишича, айни пайтда пойтахтда аҳоли фаровонлигини ошириш, жумладан, коммунал ва йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўлларнинг қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзи, фаол ҳордиқ чиқариш ва дам олиши учун шарт-шароит яратиш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ишлар доирасида жойларда пиёдалар учун мўлжалланган йўлларнинг қулайлиги таҳлил қилинди. Эътиборни тартибсиз, ягона услуб-

сиз ва кўп ҳолларда тегишли шаҳар хизматлари томонидан бериладиган рухсатномаларсиз қурилган бинолар тортиди. Йўллар бўйлаб жойлашган бу бинолар аҳоли учун хавф туғдиради, масалан, уларнинг аксариятида тўхташ жойлари ва йўлакларини йўқ, улар пиёдалар йўлакларига чиқиб кетган тарзда ташкил этилган. Шундай қилиб, ҳайдовчининг бир дақиқалик харид қилиш жараёни бошқа ҳайдовчилар учун ҳам, пиёдалар учун ҳам сезиларли ноқулай-

лик ва хавф туғдиради, — дейилади шаҳар ҳокимлиги хабарида.

Айни пайтда таҳлил натижалари асосида тегишли шаҳар хизматлари томонидан ноқонуний қурилма ва иншоотларни демонтаж қилиш ишлари бошланмоқда.

Ҳокимлик ўз навбатида, Тошкент шаҳри ҳудудида маиший ва тижорат биноларига эга бўлган пойтахт аҳолисини хужжатларнинг шаҳарсозлик меъёрларига мувофиқлигини яна бир бор синчиклаб текширишга чақирди.

Тадбиркорлар ва шаҳар аҳолисини ушбу турдаги кўчмас мулкни харид қилишда эҳтиёткор бўлишга, юридик хиз-

матлар билан маслаҳатлашишга чақириб зарур, деб ҳисоблаймиз. Шаҳар кадастр хизматлари томонидан бериладиган, уларнинг чегаралари, майдони ва биноларнинг турларини тасдиқловчи хужжатлардан ташқари, бино ва иншоотлар учун хужжатларнинг муқобил турлари мавжуд эмас, — дейилади хабарда.

Ҳокимлик потенциал хариднинг барча тафсилотларини аниқлаштириш учун ваколатли органларга шахсан ёки онлайн давлат хизматлари орқали мурожаат қилиш лозимлигини билдирилди.

Интернет материали асосида тайёрланди.



Халқимиз азалдан илмли, маърифатли кишиларни кадрлаган, илм аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Имом Бухорийнинг “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай” деб илмга урғу бериб ўтганлиги бежиз эмас. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлайди: “...адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади. Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак”.

Бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Чунончи, Президент фармонида кўра 2017 йилда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги фармонида ёшларни илм-фанга чуқур йўналтиришга қаратилган ташаббуслари самараси ўларок, юртимизда мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим тизимида ҳамда илмий-тадқиқот марказлари фаолиятида “портлаш эффекти” даражаси юз бераётганини кузатиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан

янги босқичга кўтариш Олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида давлат раҳбарининг Республика олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантиришга оид Концепция мазкур соҳадаги янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб бермоқда.

Бугунги кунда жаҳондаги нуфузли Олий таълим муассасалари илм-фаннинг йирик ўчоқлари ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Янги олий ўқув юртлари, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Мисол учун, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ҳисобига уларнинг сони 125 тага етди. Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда, сиртки ва кечки таълим шакллари тикланди, қабул квоталари оширилмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етган бўлса-да, бу ишларни янада кенгайтиришимиз зарур. Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида малака ошириши ва стажировка ўташини таъминлайдиган механизм яратилди. Уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2018-йилга нисбатан ўртача 2,5 баробар оширилди. 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Таълим соҳасида давлатнинг алоҳида мажбуриятлари сифатида имконияти чекланган болаларнинг сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган аниқ механизмлари назарда тутилган бўлиб, таълим ташкилотларида

алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши ҳақида ижтимоий норма киритилмоқда. Юқоридаги ислоҳотларни амалга ошириш учун таълим бериш сифатига эътибор бериш ва ушбу соҳада ишлашнинг жозибadorлигини доимий равишда оширишиб бориш зарур.

Мамлакатнинг ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва сифатли таълимни амалга ошириш

лаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди;

■ иккинчидан, 3 ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси босқичма-босқич ошириб борилмоқда;

■ учинчидан, умумтаълим мактабларининг ўқитиш тизимидаги самардорликни оширишга қаратилган ислоҳотлар, жамиятда мактаб ўқитувчилари мавқеини кўтаришга қаратилган ислоҳотлар, иқтидорли болалар учун махсус

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ

ўқитувчилар фаолиятига боғлиқ. Ўқитувчи илм-фан сирлари, маънавий ва маданий меросни ёшларга йетказишда муҳим бўлган ҳисобланади. Демак, ўқитувчиларга ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун зарур инфратузилмаларни яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу боис, Конституциянинг 52-моддасида ўқитувчининг жамиятдаги мақомига бағишланганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши мустаҳкамланмоқда.

Ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, компьютер саводхонлиги, касб-ҳунар эгаллашга қаратилган янги ёшларнинг ўз билим ва кўникмаларини халқаро майдонда муносиб намоён этишга қаратилган 5 ташаббус доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Бугун нафақат ёшлар, бутун бошли аҳоли глобаллашувнинг шиддатли даврини ўз бошидан кечирмоқдаки, бундай таҳликали даврда миллат, мамлакат, генофонд, керак бўлса, маънавият хавфсизлиги борасида ҳар бир фуқародан юксак масъулият талаб этилади. Айни дамда мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, уларни баркамол шахс бўлиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим масалалардан бири сифатида қаралаётгани мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги халқаро кўрсаткичларидаги мавқеини янада кўтарилишига туртки бўлмоқда. Мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилаётган эътиборнинг куйидаги натижаларини кўрсатиб ўтиш жоиз:

■ биринчидан, ёшларни қўл-

фанларга ихтисослаштирилган мактабларнинг кўпаяётганлиги, мактаблардаги шарт-шароитлар энг илғор мамлакатлар мактабларидан қолишмаслиги, билимга чанқоқ ёшларнинг сони кун сайин ошиб бораётгани;

■ тўртинчидан, олий таълимда университетларга қабул квоталари оширилди, маҳаллий ва хорижий ОТМлар филиаллари очилаётгани, қабул жараёнидаги абитуриентларга яратилаётган кенг имкониятлар, таълим тизимини коррупциясиз соҳага айлантиришга қаратилган ислоҳотлар;

■ бешинчидан, инновацион грантларга ажратилаётган маблағларнинг кескин оширилиши, ёш олимларни хорижнинг етакчи ОТМларига илмий тадқиқот ишларини давом еттиришга қаратилган ислоҳотлар.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида айтиш мумкинки, мамлакатимиз илм-фанни қўллаб-қувватлаш бўйича дунё рейтингига муносиб ўрин эгаллашни тобора қатъий таъминлаб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди”. Зеро, илмга, фан ривожига яратилаётган имкониятлар ҳеч шубҳасиз, маърифатга кенг йўл очади. Жамиятнинг илмли, маърифатли жамият бўлиши йўлидаги ислоҳотлар эса, ўз ўрнида мамлакат тараккиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фаррух АҚЧАЕВ,
Жиззах давлат педагогика
университети Тарих факултети
декани, доцент



«ЧИПҚОН» ПАРДАН ҚАЧОН ҚУТУПАМИЗ?

Одамлар манфаати, асосийси, тинчлик-хотиржамлигини ўйлаб тўй-маъракаларни ихчамлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди, телевидение ва радиода ҳар куни гапириляпти, матбуот тинимсиз ёзаяпти, аммо вазият эски тос, эски ҳаммомлигича қолмоқда. Тўйлардаги кишилар сони беш юз, ҳатто минг кишидан ошяпти.

Донгдор тўйхоналарда нишонланаётган «Соч тўйи», «Бешик тўйи», «Лайли очди», «Фотиҳа», «Юбилей», «Чарлар», «Чилла гурезон» каби маросимларни айтмайсизми? Айниқса, омманинг диққат марказида турган инсонларнинг машҳур ресторану сайёҳлик марказларида дабдабозликларни авжига чиқариши қабул қилинган ҳужжатларимизга ҳурматсизлигидан ўзга нарса эмас!

Улов кутаётиб, олтмиш беш ёшлардаги аёлнинг туман марказида қатор турган такси ҳайдовчиларидан: «Қайси мошин Ургут бозорига боради?», деб сўраётгани эйтиборимни тортди.

— Хола, бозорда нима қиласиз, мунча шошиласиз? — дедим, кизиқшимни яширолмай.

— Э, бугун куёвни бозорга олиб чиқаётгандик. «Манови: «Аямдан уяламан, сиз бирга юринг», девди. Ўзи белим оғриётувди, неварамнинг кўнглига қараб йўлга чикувдим. Куёвга: «Соат еттида бозорнинг ўрта дарвозасида кўришамиз», девдик, у кўшни тумандан етиб келибди, биз эса ҳалиям юрибмиз. Онахон олдига келиб тўхтаган таксичидан ҳам рад жавобини олди шекилли, кўллари шалвираб тушиб, нарироқдаги бетон йўлак четига чўкди. 18-19 ёшлардаги киз эса безовталик билан йўлга мўлтирарди.

— Куёвни бозорга олиб бориб нима қиласиз хола? — дедим, манзилимга кечикаётган бўлсамда, холатнинг охирига етиш мақсадида.

— Эл қаторида болам, улар иккита сандикда неварамга «Тўққиз» жўнатди. Энди биз унга жавобан ўша сандикларни тўлдириб, «Сомса» жўнатамиз. «Ҳай, Нозигул, менинг олдимга кел, сўмкангди

маҳкамроқ ушла, тағин эна-бола молнинг пулини кўлингдан юлиб кетишмасин!

— Иккита мол сотдиларингизми? Қойил-э, битта куёвга шунча кийим оласизларми, ўзи олса бўлмайди-ми? Биров сизларни мажбурляпти-ми? — дейман ғазабим кўзиб.

— Удумимизда, болам, ҳозир кўпчилик куёвга 4-5 сидра қишлик, ёзлик сарпо қиляпти, тилла узук, ҳатто машина, уй олиб беряпти. Бизнинг шундан бошқасига кучимиз етмайди. Сут-қатигини

Бизнинг ўзбек ўғлонлари қачон бу даражага тушиб қолишга қачон улгурди? Бу қилиқ эр йигитларга ярашадими? Келин томондагилар рўзгорини алдаб турган сигирини сотиб олиб берган кастюм-шим ёки чопонни куёв қайси юз билан эгнига иларкин? Тўғри, у пулни қаердан олишганини билмас, бироқ қандай қилиб ўзини заифалар қаторига қўшяпти? Бу шармандалик эмасми? Қани ор-номусу, қани ҳамият, қаерда қолди йигитлик ғурури?

ичиб турган сигир билан боласини сотиб, бугун белга боғладик. Ҳали олармизда яна сигир. Тўй ўтсин. Қудалар эрта бир кун боламизнинг тилини қисмасин, оёқости қилмасин, деймизда. Рўйхатимиздаги нарсаларга бу пул урвоқ ҳам бўлмайди. Камини катта неварам Россиядан пул жўнатса тўлдирамиз. Тўйни ўтказиш учун ўғлим банкка кредит олиш учун ариза топширб қўйибди.

«Ургут, Янгибозор, икки киши керак, ўн беш мингдан!»

Бу чақирқни эшитган онахон хайр-маъзурниям насия қилиб, югуриб бориб, сариқ рангли таксига

ўтириб, невараси учун жой бўшатди. Машина шамолдек учиб кетди, аммо менинг охири йўқ хаёлларим миямни пармаларди: Бизнинг ўзбек ўғлонлари қачон бу даражага тушиб қолишга қачон улгурди? Бу қилиқ эр йигитларга ярашадими? Келин томондагилар рўзгорини алдаб турган сигирини сотиб олиб берган кастюм-шим ёки чопонни куёв қайси юз билан эгнига иларкин? Тўғри, у пулни қаердан олишганини билмас, бироқ қандай қилиб ўзини заифалар қаторига қўшяпти? Бу шармандалик эмасми? Қани ор-номусу, қани ҳамият, қаерда қолди йигитлик ғурури?

Шўрлик ота-она ҳам қизи ҳам куёви учун кийим-кечак, тилла тақинчоқлар олса, уй учун гилам, кўрпа-тўшак, парда, мебел, чангютгич, кир ювиш машинаси, кўч-

хаммасига сарпо олиши, неварасига бир неча сидра кийим-кечак, пойабзалдан ташқари аравача, юришга ўргатадиган мослама, бешик, беланчак, кийим учун жавон, (қиз бўлса тилла сиргача) олиб келишлари шарт! Акс ҳолда уят бўлади(!) да! Невара ўғил бўлса унинг суннат тўйида буви-ю бобоси «қахрамон»нинг қариндош-уруғларига сарпо-суруқ қилмаса бўлади(!)ми?

Бу харажатларни ҳисоблаб кўрсангиз, эллик-олтмиш миллион ҳеч нарса бўлмайди. Маблағи бор кишиларга бу арзимасдек туюлар, аммо ҳамманинг ҳам чўнтаги бундай бемаънигарчиликларни кўтаролмайдида!

Бугун ҳеч биримизга сир эмаски, бундай тутуруқсиз бидъатлар кўпгина маҳалларимизда ҳамон давом этапти. (Акс ҳолда мен бу мавзуга қайтмаган бўлардим). Маҳалладаги масъуллар эса бачкана одатлардан кўз юмишяпти ёки фуқароларига тўй-маъракаларни ихчамлаштиришдан кўзланган асосий мақсадни тушунтиришолмияпти ёхуд ўзбошимча, калтабин одамлар «Отдан қолма, байтали», кабилида иш кўриб, кўрпага қараб оёқ узатишяпти. Оқибатда эса, оилаларда нохуш вазиятлар юзага келиб, тинчлик, хотиржамлик, тотувликка, энг ёмони саломатликка путур етаяпти. Куёвини бекам-кўст кийинтириб, ўзининг куни эски, ямоқ чопонга қолган оталарга кимнинг раҳми келади?

Бу биргина бачкана одат ҳақидаги ўйларимиз. Одамларимиз орасида эса ундан ҳам баттарлари «болаламоқда». Азизлар, биз бировнимас, ўзимизни алдаяпмиз!

Жонимизни кўп йиллар давомида зирқиратадиган «Чипқон»лардан қутилиш пайти аллақачон келган. Улардан воз кечишни эса ўзимиз истамайпмиз. Нега?!

Балки бу борада қаттиқроқ тартиб-қоидалар жорий қилиниши керакдир? Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Дилрабо КАМОЛОВА,
журналист

Сир сақланган «СТЕВИЯ»

(Боши 1-саҳифада)

Ўсимлик барги қандга нисбатан 30 баробар ширин маза беришини ҳисобига уни майя халқи «Стевия» яъни «Асалли» деб номлаб, кўпгина касалликларга даво сифатида ишлатиб уни кўп йиллар давомида сир сақлаб келганлар.

1987 йили кўчат ва ўстириш агротехникаси Ўзбекистонга келтирилган. Ўзбекистон Республикаси табиий, климатик шароитига кўра стевия ўстириш учун ниҳоятда мос ҳисобланади ва ўша йиллардан бошлаб экиб ўстирилиб, илмий ўрганишлар давом этиб келмоқда. Стевия ўсимлиги иссиқлик ва намликни севувчи ўсимлик бўлиб, республикада шароитида уруғ олиш мақсадида экилганида 1-1,5 метр баландликда, барг олиш мақсадида эса мавсум давомида тўрт маротабагача ўриб олиб маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлган ва нисбатан шохлаб ўсувчи республикада вилоятларида плантациялар яратилган. Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида 1987—88 йилларда ўсимликнинг биологияси ва уни кўпайтириш усуллари ўрганилган. Стевиянинг Ширин ва Шакарбарг навлари яратилди. (1994-й) ва Ўзбекистоннинг

барча вилоятларида экиш учун Давлат реестрига киритилди.

Стевия ўсимлигини ўстиришда жонбозлик кўрсатган миришкор доришунос, республика соғлиқни сақлаш аълочиси Анвар Иброҳимовнинг айтишича “Стевия баргида (6,0% — 6,5%), поясида (1,5%) ва илдизида (0,6%) ширинлиги сахарозага нисбатан 150-300 баробар юқори бўлган қимматбаҳо стевеозид моддаси бор. Стевезид кондитер саноатида, салқин ичимликлар, шарбат, сақич, ҳар хил ширинликлар ва консервалар тайёрлашда шакар ўрнида кенг миқёсда ишлатилади, ундан доридармон сифатида, қандли диабет касаллигига ва модда алмашинуви бузилиши билан боғлиқ бўлган бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади. Уни уруғидан кўпайтиришга нисбатан киш фаслида иссиқхонада, ёзда эса бевосита даланинг ўзида қаламчаларидан кўпайтириш осон. Стевиянинг ҳосили кўк баргпоя бўлиб, вегетация даврида 2 март яъни июнь ва октябрь ойларида шоналаган даврида ўриб олинади. Қуруқ барг бўйича ҳосилдорлиги 6-25 с/га. Саноатда қайта ишланиб, стевезиод моддаси олинади. Биз ҳам Тошкент вилоятида “Иброҳим

Раҳмат” хусусий корхонасида стевиянинг плантацияларини яратдик ва уларни қайта ишлаб “Ўзбегим чойлари” номи остида шифобахш чойлар ишлаб чиқармоқдамиз”, — дейди доришунос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаши ҳамда, даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Бир туман-бир маҳсулот” таомили асосида стевия ўсимлиги Республикамининг барча вилоятларида ва туманларида экиб ўстириш вазифаси юклатилган бўлиб, доришунос Анвар Иброҳимов ҳам бу вазифаларни бажаришда хормай-толмай хизмат қилмоқда. Улар чиқараётган стевия асосидаги чойлар пакетчали ва қошиқчали кўринишида ишлаб чиқариб, мазали, ишлатишга қулай ва шифобахш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда стевия ўсимлиги қандни ўрнини босадиган

табиий воситаларини энг безарар ва етиштирилиши осон бўлган ўсимлик эканлигидан ташқари ниҳоятда кам калория берадиганлиги ҳисобланиб, 100 гр қанд 387 килокалория энергия берса, 100 гр стевия бор йўғи 18 килокалория энергия беради. Шунинг учун ҳам унинг истеъмоли ортиқча вазнлилар учун айти муддао саналади. Стевия глюкозаси инсонларга ширинлик мазасини бериб ўзи ошқозон-ичак тизимида хазм бўлмасдан тўғри ўтиб кетади. Стевия маҳсулотлари истеъмоли ширинликка нисбатан ўч бўлганларнинг иштиёқини бир мунча сўндиради.

Нигора ИСЛАМБЕКОВА,
техника фанлари доктори,
профессор

Аҳмадхон МАХАМАТХОНОВ,
техника фанлари номзоди



ҚОНУНБУЗАРЛИК ЖАВОБСИЗ ҚОПМАЙДИ

Битта дарахтни кўкартириб вояга етказиш учун бир неча ўн йиллар керак бўлади. Уни кесиб яқсон қилиш учун эса атиги бир соат кифоя. Айти шу ҳолат кишини ташвишга солади. Чунки, табиатга нисбатан беаёв муносабат натижасида дарахтзорлар камайиб, яшилликка путур етиб, атмосфера ҳавосидаги зарарли газлар миқдори ортиб борапти. Шу боис мамлакатимизда дарахт кесишга нисбатан муддатсиз мораторий эълон қилинди.




Афсуски, қонунларга нисвсбатан эътиборсизликми ёки экологик маданиятнинг етишмаслиги сабабми жойларда дарахт кесиш билан боғлиқ аянчли ҳолатлар учраб турибди. Хусусан, Андижон вилоят прокуратураси, вилоят Миллий гвардия бошқармаси ҳамда вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси ходимлари томонидан Асака туманида ўтказилган галдаги назорат рейд тадбири пайтида мана шундай хунук ҳолатга гувоҳ бўлинди. Хусусан, тумандаги Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида айрим шахслар томонидан кўп йиллик 6 туп чинор дарахтлари кесиб юборилган.

Ўтказилган суриштирувлар давомида, мазкур чинор дарахтларини кесиш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ружхатнома

олинмаган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни талабларини кўпол равишда бузиш ҳисобланади. Айти қонунбузарлик натижасида ўсимлик дунёсига 317 050 000 сўм миқдорида зарар етказилган.

Албатта, бу ғоят кўпол равишдаги қонунбузарликдир. Шу боис мазкур ҳолат юзасидан Андижон вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида жиноят иши кўзгатилди. Унга кўра чинорларга қирон келтирган шахслар қонун олдида жавоб берадилар.

Лочинбек ИСАМУДИНОВ,
Андижон вилояти Экология,
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши бошқармаси
матбуот хизмати раҳбари.



Бир ёмоннинг ЎН ЯХШИСИ

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
мухитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОҶОВ

Газета тахририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-210
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Йўлдошбой зиёфатга кечикиб келди. Даврага кириши ҳамоноқ унга улфатлари таъна тошларини ёғдиришди:

– Ҳой, менга қара, инсофинг борми ўзи? Ё сигиринг туғиб қолдими?

– Сиғири яқинда тукқан-ку. Бошқаси куйлаб қолган.

– Телефонда бир зумда бораман дегандинг, сенинг бир зуминг бир соат эканда, а?!

– Сени келсин деб ошни суздирмай ўтирибмиз!

– Тагингда яп-янги “Нексия” бўлса...

– Яп-янги бўлгандан кейин аяйди-да, ахир!..

– Кечикканимнинг сабабини билмагандай гапирасизлар-а, – ўзини оқлашга уринди ниҳоят Йўлдошбой. – Йўллари-мизни аҳволи ҳаммангизга маълум, ўйдим-чуқур, расвои олам. Учириб ҳайдаб бўлмаса. Тошбақа тезлигида ҳайдамасанг, машинанг тўкилиб кетади, ошна.

– Менга қара, сен ўзи қайси даврага кирсанг йўллари носозлигидан нолиганинг–нолиган, – деди Шоқир чойнакдаги чойни қайтараркан. – Ҳей биродар, билиб қўй, бундай йўллари фойдали томонлари ҳам йўқ эмас. Мана, гапимга кулоқ сол. Сен айтган ўша расво йўлда машинанг бехосдан чуқурга тушиб кетса, ғилдирагининг шинаси тешилади,

тешилади. Шундайми? Яматгани устага олиб борасанми, олиб борасан. Ҳе, яшшавор! Шу баҳонада уста ҳам ишли бўладими? Бўлади! Киссасига пул кириб, рўзгорини тебратадими? Тебратадими! Қара, сен ўзинг билмаган холда битта одамни иш билан таъминлаясан!

Гапни даврадагилардан бири илиб кетди:

– Фақат шина эмас, амортизатор, коробка, кузов ҳаммаси секин-аста ишдан чиқа бошлайди. Эҳтиёт қисмлар керакми, керак! Дўконга чопасанми, чопасан! Қарабсанки, яна битта одамни ишли қиласан!

Гапга яна бошқа улфат қўшилди:

– Фақат эҳтиёт қисмлар эмас, машинанг 5 йилга бормай янгисини оласан. Сендайлар минглаб топилади. Шундайми? Автомобиллар ишлаб чиқарувчи ўнлаган заводлар ҳам тўхтовсиз фаолият кўрсатади. Қарабсанки, минглаб кишилар иш билан банд. Бу минг-минг

оиланинг қора қозони қайнайди, деган гап. Ҳаммаси сен айтган ўнқир-чўнқир йўллари шарофатидан оғайни!

– Шумболанинг таъбири билан айтганда, бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди давра тўрида шу пайтгача гапга қўшилмай ўтирган Нафас муаллим. – Кеча қизик воқеа бўлди. Қўшнимизнинг хотини ҳомиладор эди. Дард тутибди. Туғруқхонага етиб боргунча расво йўлимизда машина қаттиқроқ бир силкинган экан, туғиб қўйибди. Қаранглар, қўшним суюнчи пулини иктисод қилиб қолди. Бу оила бюджетига зарарми, фойдами? Бунга нима дейсан? Мана сенга ёмон йўлнинг шарофати, оғайни!

Йўлдошбой бошидаги қалпоғини ечиб, қўрпачага бир урди:

– Офарин-ей, сенларга! Сенларни ҳар бирингни тепса, тебранмас ҳокимларга ўринбосар қилиб қўйса бўлар экан. Шикоят қилиб келган ёки сайёр қабулга мурожаат билан қадам ранжида қилган фуқароларнинг қулоғига лағмон осиб, узр сўратиб, бир халта пуч ёнғоқни орқалатиб юборар экансанлар! Қани, ошни сузларинг, бугундан кейин кечикиб келмайман. Неча одам ишсиз қолишини билмадим-у, яна бир оз кечиксам, аниқ ошсиз қолар эканман!..

Отабек ИСМОИЛОВ

Олисдаги «меҳрибон»ларим

Мени кишлоғимдагилар писанд қилмаслиги мумкин, лекин Тошкентда обрўйим баланд экан. Қайдан билдинг, дейсизми? Э-э-э, телефон олганимдан бери казо-казолар қўнғироқ қилиб, хол-аҳволимга қизиқяпти. Муомаласининг чиройлигини айтмайсизми, раҳматли энам ҳам менга бунчалик мулойим гапирмаган.

Алдаётганим йўқ. Мана, яқинда ҳам бир жувон телефон қилди. Тошкентдан экан. Роса куюқ сўрашди ўзиям, яна ҳар икки гапининг бирида вақтинчи олмаяпманми, дейди кургур. Алламбало ташкilotда ишларкан. Сиз бизнинг акцияда ғолиб бўлдингиз, дейди. Буни қаранг-а, ҳеч нарсада иштирок этмай туриб ҳам ғолиб бўлибман. Азбаройи хурсандлигимдан аёлнинг кейинги гаплари қулоғимга кирмади. Совғани юборамиз, дедими ёки ўзим бораман, дедими аниқ эшитмай қолдим. Сиз билан ҳали боғланамиз, дегани эсимда.

Икки кун қўнғироғини кутдим. Рақамини терсам, ишламайди. Ва ниҳоят учинчи куни қўнғироқ бўлди. Бу гал эркак киши экан. Даб-дурустдан маҳсулотимизни юборяпмиз, аниқ манзилингизни айтинг, дейди. Қанақа маҳсулот? Ўзинг кимсан? Мен билан гаплашган чиройли овозли аёл қани? Саволларимга жавоб бергиси



келмади. Тинмай буюртмангиз қабул қилиб бўлинган, маҳсулот йўлда, бир донаси учун 570 минг сўм тўласангиз бўлди, қолган иккитаси текин, дейди. Менимча, у шу хотиннинг кимидир бўлса керакда. Муносабатимизни бузиш учун атайин совғаларимни ўзимга пулламоқчи. Анойинг йўқ. Манзилимни айтмай, қўнғироқни ўчириб қўйдим. Роса қўнғироқ қилди бечора.

Бу ҳали ҳолваси. Жияним Абдурашид телефонга телеграм ўрнатиб

берганди. Шу ерда ҳам мени топиб олишяпти. Ҳар куни турли каналларга қўшишади. Қайси бирига кирмай, пул ва совғалар таклиф қилади. Сазаси ўлмасин, деб бир-иккитасига сўраган маълумотларини юборганим, лекин ҳали ҳам совғаларимдан дарак йўқ. Келиб қолар-а, нима дедингиз?

Сиз ҳам фејсбукда борми? Катталар шу соғонада кўп ўтиради, дейишганди, мен ҳам очиб олдим. Ҳаммаси яхши эди, қутилмаганда Туркияда қариндошим ўлиб қолибди. Буни менга бир опа ёзди. Ўша қариндошимни отам ҳам, бобом ҳам танимас бўлиб чиқди. Узокроқ оғайнимдир-да. Хуллас, опанинг ёзишича, у марҳумнинг васиятига кўра мол-мулкни номимга ўтказиб бериши керак экан. Фақат озгина хужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар бор, деди. Қўйларимни сотиб, ўша опага жўнатсам, ҳаш-паш дегунча Туркияга, катта бир қасрда яшаш учун кўчиб кетадиган бўлиб турибман.

Мен бу гапларни мақтаниш учун ёзаётганим йўқ. Яна орқамдан гап-сўз қилиб юрманг! Айтмоқчи бўлганим, одамларимиз жуда сахий ва меҳрибон бўлиб боряпти. Савобталаблар кўпайган, кўз тегмасин. Ўзингникидан топ, деб шунақа вазиятда айтишармиди?

Ҳурмат билан, Чўпон.



“Қатрага чун тарбият этти садаф...”

Кўхна Шарқда тарбияга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралгани аён. Сабаби, тарбия – авлодни камолга етказишнинг асоси. Мутафаккир аждодларимизнинг жаҳон бадиий тафаккури хазинасидан муносиб ўрин олган асарларида тарбиянинг шахс камолоти, эл равнақи, юрт истиқболда тутган ўрни юксак баҳоланган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий асарларида барча замонлар учун долзарб саналган бу муаммо оҳорли образ ва рамзлар воситасида бетакрор бадиий талкин этилган. Мана, буюк шоир “Ҳайрат ул-аброр”да тарбиянинг аҳамиятини қандай васф этади:

**Қатрага чун тарбият этти садаф,
Эл бошига чиққуча топти шараф.**

Халқимизда “Садафсиз дур бўлмас, тикансиз – гул”, деган нақл бор. Ушбу байтда қатранинг гавҳарга айланиши ва эл бошига қадалиш даражасига етиши садафнинг тарбияси сабабли экани бетакрор ифодаланган. Садаф – ота-она, қатра эса – фарзанд тимсоли. Садафнинг тарбиятисиз қатра ҳеч қачон гавҳарга айлана олмайди. Яъни таълим олмаган, тарбия кўрмаган фарзанд камолга етмоғи маҳол. Фақат бунинг учун муайян муддат ўтмоғи зарур. Гавҳарни кўлига олган ёки бошига қадаган одам унинг кўзни шунчалик қувонтирадиган, қимматбаҳо ашёга айланмоғи учун қандай жараёнларни бошдан кечиргани хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳаётда ҳам

шундай. Комил инсонни кўрганда ҳамма ҳавас қилади. Лекин у ана шу даражага қандай машаққатлар билан, кимнинг тарбияси эвазига эришгани ҳар доим ҳам мушоҳада этилавермайди. Буюк шоир бу образли тасвир орқали шахс камолотида ота-онанинг хизмати беқиёс эканига урғу беради.

**Кўшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.**

Ёқут – турли рангда, лаъл эса, қизил тусда товланадиган қимматбаҳо маъдан. Хўш, улар кўзни қувонтирадиган, одамларда эстетик завқ уйғотадиган бу ранглари қердан олади? Ҳазрат Навоийнинг фикрича, бу – кўшдан тарбият топгани самара-

си. Агар кўшдан ранг олмаса эди, улар оддий тошлигича қолар, одамларнинг қизиқишига сабаб бўлмас эди. Кўш – ота-она, хоро (оддий тош) эса – фарзанд рамзи. Табиийки, бу ўринда ҳам улғ мутафаккир ёқут ила лаъл ҳақида сўз юритар экан, байт замирига шахс тарбияси хусусидаги теран ҳаёт фалсафасини жойлаган. Яъни инсон камолотини белгиловчи асосий мезон – тарбия. Модомики, фарзандлар комил бўлмоғини, Ватан ва миллат тараққиёт чўққисига юксалмоғини истар эканмиз, авлод тарбиясига жидду жаҳд қилмоғимиз зарур.

**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор**

Халқаро тадбирларга тараддуд

Хива – 2024 йилда Ислом дунёси туризм пойтахти

Маълумки, Хива дунё сайёҳлари эътибор ва эътирофидаги тарихий шаҳар. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти рўйхатига олинган, тарихий-меъморий обидалари яхлит жойлашган эртақнамо манзил — Ичан қалъа давлат музей-кўриқхонасига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони йил сайин ошиб бормоқда.

Яна бир қувончли жиҳати шундаки, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг Озарбайжон Республикаси Боку шаҳрида бўлиб ўтган XI сессиясида Хива — Ислом дунёси туризм пойтахти дея эълон қилинди. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12-июлда қабул қилинган “Хива — 2024 йил Ислом дунёси туризм пойтахти “халқаро тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоят миқёсида, жумладан Ичан қалъа давлат музей-кўриқхонасида ҳам тараддуд ишлари олиб борилмоқда.

— Шу йилнинг март ойида Хивада халқаро тадбирнинг тантанали очилиши, шунингдек, май ойида Ислом ҳамкорлик ташкилотларига аъзо давлатлар туризм вазирларининг навбатдаги XII сессияси ўтказилиши, кўплаб хорижий давлатлардан ташриф буюриши кутилаётган нуфузли меҳмонлар, мутахассислар иштирокида муҳим мавзуларда анжуманлар ҳамда “Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги” доирасида Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган “Strongmen” халқаро баҳодирлар ўйини мусобақаси, маданий ва гастрономик фестиваллар ўтказиш режалаштирилган, — дейди Ичан қалъа давлат музей-кўриқхонаси раҳбари Алишер Исмоилов. — Айни кунларда халқаро тадбирларни юқори савияда ўтказиш мақсадида ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда музейларда янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил қилиш, сайёҳлик тарғиботи йўналишида ўзбек, рус, инглиз, араб,

француз ва бошқа хорижий тилларда буклетлар, йўл-кўрсаткич қўлланмалари тайёрлаш, ногиронлар, турли ёшдаги ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича юмушлар режали тарзда давом этмоқда. Шунингдек, Туркия, Озарбайжон, Россия, Испания, Хитой ва бошқа чет давлатлардаги музейлар ва музей-кўриқхоналар билан ҳамкорлик алоқалари асосида музейшунослик ва сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиш соҳасида илғор тажриба ҳамда технологиялар амалиётга жорий этилмоқда.

— Нуфузли халқаро тадбирларга тайёргарлик жараёнларида соҳа мутахассислари ва илмий ходимлар ҳам фаол иштирок этишмоқда, — дейди музей-кўриқхона илмий котиби, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Комилжон Худойберганов. — Меъморий обидаларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ҳамда келажак авлодга бус-бутун етказиш мақсадида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти экспертлари ва мутахассислари, япониялик ҳамда Хоразм Маъмур академияси олимлари иштирокида изланиш ва тадқиқотлар олиб борилмоқда, ижобий самаралар амалиётга жорий этилмоқда.

Ҳар жиҳатдан пухта тараддуд кўриляётган нуфузли тадбирлар серкуёш ва бағрикенг Ўзбекистоннинг, шу жумладан Хива шаҳрининг туристик салоҳиятини халқаро майдонда фаол тарғиб қилишда, бинобарин, сайёҳлар сонининг янада ошишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист.**

